# ПАХТА МАЙДОНИ — МАРДЛАР МАЙДОНИ!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 177 (7067). | 15 сентябрь, 1979 йил | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

## „ОҚ ОЛТИН“ ДАЛАЛАРИНИНГ АЗАМАТЛАРИ, ҚАДРЛИ ПАХТАКОРЛАР!

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИНДАН ҚИММАТ ДАМЛАРИ КЕЛДИ. ҲАММА ЕРДА ҚУЛ ТЕРИМИНИ, ҚЎПМИНГ КИЛОГРАММЧИЛАР ҲАРАКАТИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК. АЙНИ ВАҚТДА МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК. БУНИНГ УЧУН ЭНГ БИРИНЧИ НАВБАТДА ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗИШ ЛОЗИМ. БУ ИШДА ТРАКТОР АППАРАТЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВИАЦИЯСИДАН ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК. «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРНИ ТЕРИМГА ПУХТА ШАЙ ҚИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ, МЕҲНАТ ҚИЛИШ — СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ЭКАНЛИГИНИ ЎНУТМАЙЛИК.

## МАРҲАБО, «ОҚ ОЛТИН»!

Янгийўл район маркази — Гулбаҳор посёлкаси катта шодиёна кунларидагидек ол байроқлар ва алвонлар билан безанган. Бу ерда сафтортган «оқ олтин» карвонлари атрофни янада нурафшон қилиб юборган. Пахтакор ва механизаторлар чеҳрасида табассум. Ҳа, улар қувончли меҳнат байрами — илк «оқ олтин» карвони тантанасига тўпланганлар. Район пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида Ватанга 36 минг тонна пахта армуғон этиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларига яраша мўл ҳосил етиштириш учун ўрта баҳордан бери тиним билмай, зўр ғайрат-шижоат, юксак маҳорат билан меҳнат қилдилар. Ана шу меҳнатларининг дастлабки самараси бугун биринчи марта қабул пунктларига етказиб берилади.

Пахтакорларнинг қизил карвонига бағишланган тантанали митингни район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи В. П. Еремеев очди. У район хўжаликларида 1979 йил пахта ҳосилини теришга пухта тайёргарлик кўрилганини айтди. Янгийўлликлар бу йил давлатга 4500 тоннадан кўпроқ уруғлик пахта етказиб берадилар. Хўжаликларда уруғлик пахта териш уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Азамат дала гвардиячилари эса «зангори кема»лар бункеридан хирмонга 21 минг тоннадан кўпроқ пахта тўкишга ахд қилганлар. Ҳозир хўжаликларда 200 терим агрегати ва бошқа техника воситаларн пахтазорларга олиб чиқишга шай. Районда ғўза дефолиациясига ҳам киришилди. Шу кунларда 45 та трактор пуркагичлари билан пахтазорларга дефолиантлар сепилялти.

Район пахтакорлари халқ хўжалик планини 18 октябргача, социалистик мажбуриятларини эса 1 ноябргача бажаришни мўлжалламоқдалар. Кўп куч ва меҳнат сарфлаб етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун барча имкониятлар ишга солинади.

— Бу йил хўжалигимиз аъзолари 2120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан хирмон кўтариб, қабул пунктларига 8 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар, — деди «Ленинизм» колхозининг раиси А. Исҳоқов. — Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бу ваъдага яраша «оқ олтин» етиштирилди. Колхозчиларимиз уруғлик пахтани теришни бошлаб юбордилар. Механизаторларимиз эса ОВХ агрегатларида ғўзани дефолиация қилмоқдалар. Биз пахта тайёрлаш планини қисқа муддатда бажариш учун йиғим-теримни жадал суръатларда олиб борамиз.

Минбарга «Коммунизм» колхози 5-бригадасининг кўп минг килограммчи теримчиси Ҳ. Абдураҳмонова кўтарилади.

— Ана шу қизил карвонда мен терган пахта ҳам борлигидан фахрланаман, — деди у. — Биз куни кеча уруглик пахта теришга киришдик. Мен бу йилги мавсумда хирмонга камида 8 тонна пахта териб тўкиш мажбуриятини олдим. Ўз сўзимнинг устидан чиқиш учун куч-ғайратимни аямайман. Бригадамиз аъзолари эса 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан бебаҳо дурдона йиғиб-териб оладилар.

Ҳ. Турсунқулов номли колхоз партия комитетининг секретари Б. Султонов хўжалик коммунистлари ва барча меҳнаткашлари етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш учун курашга отланганликларини айтди. Хўжаликда пахта теримини юксак суръатларда олиб бориш учун техникадан самарали фойдаланилади. Бунинг учун 20 дан ортиқ «зангори кема» ишга шай турибди.

— Тайёрловчиларимиз пахтакорлар каби «оқ олтин» карвонини орзиқиб кутдилар, — деди Янгийўл пахта тозалаш заводининг директори Т. Исҳоков. — Улар янги ҳосилни қабул қилиб олишга ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйганлар. Тўртта тайёрлов пунктида барча механизмлар, қурнитиш-тозалаш цехлари сифатли ремонт қилинди. Бу йил пахта асосан бригада усулида қабул қилиб олинади. Пахта тозаловчиларимиз қишлоқ меҳнаткашлари етиштирган «оқ олтин»дан аъло навли тола ишлаб чиқариш чораларини кўрадилар.

Митингда сўзга чиққан «Партия XXI съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мараҳимов, «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Ф. Абдураҳмонова, Ленин номли колхоз раиси Н. Аваэов, Калинин номли колхоз раиси Р. Отабоевалар ҳам бу йилги пахта терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, план ва олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш тўғрисида гапирдилар. Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. Раҳмонов пахтакорларни биринчи қизил карвон билан қутлади.

Пахта ортилган юк машиналари Янгийўл пахта тозалаш заводи томон йўл олади. Қизил карвон сафидаги «Коммунизм», Ленин номли, Ҳ. Турсунқулов номли, «Ленинизм» колхозлари катта ўрин олган.

Завод дарвозаси олдида тайёрловчилар қизил карвонни шоду-ҳуррамлик билан кутиб олдилар. Шу куни район пахтакорлари қабул пунктига дастлабки 100 тонна уруғлик пахта топширдилар.

* * *

Бекобод районида ҳам пахта карвони йўлга чиқди. Далварзин пахта тозалаш заводи олдида район меҳнаткашларининг қизил карвонга бағишланган митинги ўтказилди. «КПСС XXV съезди» совхози, Ленин номли колхоз ва бошқа хўжаликлар давлатга дастлабки ўнлаб тонна пахта топширдилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## «ҒИЛДИРАКЛИ ПАХТА ЗАВОДИ»

«Ташсельмаш» заводи деҳқонларга янги — ХНП-1,8 маркали пахта теридиган дастлабки машиналарни жўнатди.

Теримчилар мавсум арафасида чинакам «ғилдиракли пахта заводи»ни олдилар. Янги комбайн далада юриб боратурриб, бир йўла икки эгатдаги пахтани, айни вақтда ерга тўкилган пахтани ҳам теради, бу пахтани шу ернинг ўзидаёқ тозалаб, айрим бункерга йиғади. Тошкент трактор заводининг коллективи ана шундай машиналарни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда кўмаклашди. Бу коллектив «Ташсельмаш» заводига пахта териш комбайнларининг энергетик асоси бўлмиш юксак қувватли тракторлар етказиб берди.

Социалистик мажбуриятга мувофиқ, бу йил «Ташсельмаш» заводининг бош конвейеридан подборшчик ва тозалагич билан ускуналанган 2400 та «зангори кема» тушади.

(ЎзТАГ мухбири).

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

| | | |
|---|---|---|
| Пискент | 00,3 | 0,33 |
| Чиноз | 0,03 | 0,30 |
| Бекобод | 0,10 | 0,26 |
| Оққўрғон | 0,04 | 0,14 |
| Пискент | 0,02 | 0,14 |
| Бўка | 0,04 | 0,13 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,04 | 0,08 |
| Ғалаба | — | — |
| Коммунистик | — | — |
| Область бўйича: | 0,04 | 0,14 |

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун—бир кунда; учинчи устун—жами. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | |
|---|---|---|
| Пискент | 7,3 | 17,2 |
| Бекобод | 5,2 | 16,5 |
| Янгийўл | 13,0 | 16,3 |
| Оққўрғон | 9,2 | 15,5 |
| Бўка | 5,5 | 14,9 |
| Ғалаба | 5,0 | 12,6 |
| Чиноз | 3,3 | 11,7 |
| Ўрта Чирчиқ | 4,4 | 7,0 |
| Коммунистик | — | 5,1 |
| Область бўйича: | 6,0 | 13,8 |

## ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР

А. ИКРОМОВ номли колхоз Ўрта Чирчиқ районининг қир участкасига жойлашган. Бу зонада кўсаклар барвақтроқ етилди. Пахта очилишини орзиқиб кутган деҳқонлар теримни биринчи бўлиб бошлашди. Хўжаликнинг Каршибой Илёсбеков бошлиқ 10-бригадаси аъзолари теримда пешқадамлик қилишмоқда. Биринчи куни теримда элликдан зиёд колхозчи қатнашди. Бригада аъзолари ўнинчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида мавжуд 190 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга сўз беришган.

Теримчи қизлар ғайрати кишини завқлантиради. Салима Қўйбоқова, Савлия Аширбоевалар дастлабки кунданоқ бир-бирларини социалистик мусобақага чақириб, терим суръатини оширмоқдалар.

Хўжалик пахтакорлари бу йил 4 минг тонналик хирмон кўтаришга ахд қилишган. Бу йил ҳам пахта йиғим-терими ипатоволиклар тажрибаси асосида ташкил қилинади. Колхоз правленияси ҳамда партия ташкилоти пахта ҳосилини қисқа вақт ичида, сифатли йиғиштириб олиш юзасидан тадбирлар белгилади.

Терим техникасини юксак унум билан ишлатиш мақсадида ғўза дефолиацияси қисқа вақт ичида ўтказилиб, ҳосилнинг 90 процента машиналар бункеридан тўкилади. Пахта йиғим-теримида қатнашадиган 18 та терим машинаси, 40 тележка, 10 та транспорт трактори, 10 та кўсак чувиш агрегати, битта подборшчик ва бошқа техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилган.

Пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун техникани тўхтовсиз ишлатиш катта роль ўйнайди. Буни назарда тутган техника жиловкорлари участкаларга кўчма автоустахона, ёнилғи билан таъминлайдиган машиналар ажратишди. Бундан ташқари, колхоз марказидаги устахонада навбатчилик ташкил қилинади.

У. ҲАМИДОВ.

* * *

Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз аъзолари пахта теримини уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар. Хўжаликнинг кўпминг килограммчи теримчилари дастлабки кунларданоқ пахтазорда жавлон ураётирлар. Улар кунига хирмонга 100—120 килограммдан «оқ олтин» териб тўкмоқдалар.

Суратларда: 10-бригаданинг илғор теримчиси Назира Ғоипова. Бу йилги мавсумда у 10 тонна пахта териш мажбуриятини олган; кўпминг килограммчи дугоналар Салима Қўйбоқова ва Савлия Аширбоевалар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Автор фотолари.

## ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область районлари, совхозлар ва колхозлар ўртасида ғўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг 1979 йил саккиз ойлигига якун ясалди. Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районига** (район партия комитетининг секретари Ё. П. Пўлатов, район ижроия комитети раиси Т. М. Ортиқхўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Х. Қуронбоев, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Э. Мирсоатов ўртоқлар) берилди. Бу район механизаторлари давлатга ғўшт сотиш топширишини 118,3 процент, сут сотиш топширишини 95,5 процент, тухум сотиш топширишини 108,2 процент қилиб бажардилар. Ғўшт, сут, тухум етиштиришда, қорамол ва паррандалар бош сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишда 1978 йилга нисбатан ўсишга эришилди.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозида** (директори Н. И. Гусаков, партия ташкилоти секретари С. Сатторов, ишчилар комитети раиси А. Макаримов ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхоз чорвадорлари давлатга ғўшт топшириш юзасидан белгиланган топшириқларни 163 процент, сут топшириш бўйича 103,1 процент қилиб бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қорамол ва паррандалар бош сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишда анча ўсишга эришилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозига** (раиси А. В. Ни, партия ташкилоти секретари М. Маматҳолиқов, касаба союз комитети раиси О. Т. Эм ўртоқлар) берилди. Бу колхоз чорвадорлари давлатга ғўшт сотиш топширишини 115 процент, сут сотиш топширишини 108,1 процент, тухум сотиш топширишини 134 процент қилиб бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қорамол ва паррандалар бош сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишда анча ўсишга эришилди.

Байроқ Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оржоникидзе районига, «Чиноз» наслчилик совхозига, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

## ТЕХНИКА—ТАЯНЧИМИЗ

ДЕҲҚОН меҳнатининг самараси — «оқ олтин» хирмони бунёд этиладиган ҳал қилувчи дамлар яқинлашиб келмоқда. Бу пахта ҳосилини етиштириш осон бўлмади. Пахтакор табиий офатлар туфайли не машаққатларни бошидан кечирмади. Бу йилги ҳосилни олтиндан қиммат, дурдан аъло десак муболаға бўлмайди. Чунки бир неча кун эмас, бутун ёз бўйи табиий қийинчилик оқибатларини тортишга учун ҳормай-толмай меҳнат қилинди. Чигитни ундириб олгач, қайта-қайта қатқалоққа қарши курашилди. Ҳаво паст келганлиги учун ерни қиздириш мақсадида қатор ораларини такрор-такрор культивация қилдик. Икки марта минерал ўғит билан озиқлантирилган ғўзанинг ривожи кўнгилдагидек бўлмагач, далага кўп миқдорда маҳаллий ўғит чиқариб солинди, шарбат қилиб оқизилди. Бу ташвишлар етмагандай ғўзада пайдо бўлган шира, ўргимчаккана ва кўсак қурти сингари ҳашаротларга қарши кураш олиб борилди. Хуллас, бу йил деҳқоннинг ишлатмаган ҳунари, кўрмаган чора-тадбири қолмади. Шунинг учун бу йилги пахта бизга ҳар қачонгидан қиммат ва азиз. Унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олишимиз лозим.

Колхозимиз меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида пахта ҳосилдорлигини халқ хўжалик планидаги гектаридан 37 ўрнига 40 центнерга етказиб, 3760 тонналик хирмон кўтарамиз, деб ўз зиммаларига социалистик мажбурият олганлар. Шу маррани эгаллаш учун юз берган барча қийинчиликларни енгиб, олинган мажбуриятга яраша ҳосил етиштирмоқдамиз.

Илғор бригадаларнинг ишлари жуда қувончли, ҳимматлари баланд. Наби Ўринбоев колхозимиздаги энг илғор бригада бошлиқларидан. Ў юқори ҳосил етиштиришда ҳаммага ўрнак бўлиб келаяпти. Ў бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳам гектаридан 55 центнердан хирмон кўтаришга ахд қилиб, далаларда мўл ҳосил етиштираётирлар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Петр Хан бошлиқ бригада аъзолари 46, Пўлат Мамақов бошлиқ бригада аъзолари 45 центнерлик маррани эгаллаш учун астойдил курашмоқдалар.

Шу кунларда Норхўжа Ҳусанов бошлиқ бригада пахтазорларини кўрган кишининг ҳаваси келади, бенхтиёр баракалла азаматлар дейди. Дарҳақиқат, бу бригада коллективининг меҳнати мақтовга лойиқ. Ҳар гектар ерда 120 минг туп кўчат сақлаб қолинган. Ҳар туп ғўзада 10—15 тадан бўлиқ кўсак бор. Ғўза вақтида озиқлантирилган, культивация қилиб, суғорилган. Қатор ораларида бир дона бегона ўт кўринмайди. Далаларни кўрган киши бригаданинг 42 центнерлик мажбуриятдан ошириб ҳосил олишига амин бўлади.

Айни кунларда ҳам далаларда иш қизғин, ғўза парваришида давом этяпти. Колхозимизда 655 гектар ерда канап ҳам етиштирилмоқда. Бу канап ҳар қайси пахтачилик бригадаларига бўлиб берилган. Шунинг учун колхозимиз аъзолари пахта терими бошлангунча канап ҳосилини асосан ўриб-йиғиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, ўтган йили канап поясини ўриш анча илгари бошланган эди. Бу йил канап ўримн бироз кечикди. Лубкорларимиз ҳар гектар ердан пландаги 180 ўрнига 190 центнердан ҳосил олишга, ялпи канап ҳосилини 12445 тоннага етказишга сўз берганлар. Бундан ташқари 37 гектар ерда уруглик канап экиб, 18,5 тонна канап уруғи олиш учун ахд қилганмиз.

Колхозимизда пахта ҳосили асосан техника ёрдами билан йиғиб-териб олинади. Механик-ҳайдовчиларимиз бу йил мажбуриятда белгиланган 3760 тонналик ялпи ҳосилнинг 3454 тоннасини, яъни 92 процентини машина билан териб беришни мўлжаллаб қўйганлар. Шу мақсадда 29 та пахта терриш, 3 та кўсак узиш, 8 та кўсак чувиш, 6 та тўкилган пахтани терувчи, 3 та юк ортадиган машиналар, 93 та прицеп ва бошқа техника воситалари барвақт сифатли рекондтан чиқариб қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил пахта ҳосилини терриш ва тайёрлаш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, терим-транспорт отрядлари туздик. Колхозимизда машина терими ипатоволиклар методи асосида олиб борилади. Биз шароитни, ғўзаларнинг ривожланишини ҳисобга олиб 15 сентябрдан танлаб дефолиация қилишга қарор қилдик. Колхозимиз меҳнаткашлари, барча механизаторларимиз пахта тайёрлаш планини ёғин-сочинга қолдирмай, 15 иш кунида бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти пахта йиғим-терими даврида бригадаларо социалистик мусобақани кучайтириш, илғор бригадаларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар билан бирга мукофот фонди ҳам ажратди. Илғор механик-ҳайдовчиларга бериш учун вимпеллар таъсис этилди. Терим даврида теримчилар, хирмонда ишловчилар, шофёрлар, тракторчилар модий рағбатлантириб турилади.

Колхозимиз меҳнаткашлари бу йилги пахта йиғим-теримини ҳар қачонгидан ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказиш, не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш учун шай бўлиб турибдилар. Техника бизнинг суянчи тоғимиз, азамат механизаторларимиз қаторидаги нориимиздир. Шундай экан, юкимиз ерда қолмайди.

И. ЮНУСОВ,
Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

## ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги проспектида Ўрта Осиёда энг йирик — 4100 ўринли киноконцерт зали бунёд этиляпти. Архитектуравий кўркам бу улкан иншоотни қуришда юзлаб инженер-техник мутахассислар ва қурувчилар иштирок этишяпти. Суратларда: пешқадам геодезист Анатолий Кулбаев. Илғор электр пайвандчи ва монтажчилар Иўлдош Тўраев, Андрей Голов, Анатолий Парамов.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

# ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

МАЗМУНДОР ҳаётимизнинг янада барқ уриб ўсишида фаннинг роли бебаҳодир. Коммунистик партия етук социалистик жамиятнинг хилма-хил мураккаб масалаларини ишлаб чиқиш ва ҳал этишда фан натижаларига таяниш керак, деб таълим беради.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги тарихий қарорида фан самарадорлигини янада ошириш, Карл Маркс, Фридрих Энгельс, В. И. Ленининг назарий меросини чуқур ўрганиш вазифаси қўйилган. Шу муносабат билан институтимиз таржима сектори ходимлари К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. В. И. Ленининг 55 томлик Тўла асарлар тўпламининг 45-томи ўзбек тилида нашр этилди. Улуғ доҳий таваллудининг 110 йиллиги нишонланадиган 1980 йилда Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Яқин йилларда институт коллективи К. Маркс ва Ф. Энгельснинг 50 томлик асарлари тўпламини ўзбек тилига таржима қилишга киришади. Ҳозир «К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат ҳақида» деган икки томлик тўплам нашрдан чиқарилди. Фридрих Энгельснинг «Анти-Дюринг» номли асари чоп этилди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг 3 томлик танланган асарлар тўпламининг биринчи томи ҳам матбаага юборилди.

Республикамиз СССРнинг асосий пахта базаси сифатида маълум ва машҳурдир. «Совет пахтасини етиштирувчи асосий республика бўлган Ўзбекистоннинг ҳиссаси туфайли,— деган эди Л. И. Брежнев,— 1970 йилдаёқ жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олдик».

Партиямизнинг пахтачиликни ривожлантириш борасидаги улкан фаолият тарихи ҳали яхши ўрганилмаган. Бу камчиликни бартараф этишга мўлжалланган планлар ишлаб чиқилди ва илмий совет муҳокамасига қўйилди. Яқин йилларда «Ўзбекистон Компартияси республикада пахтачиликни ривожлантириш учун курашда» дейилган 4 томлик ҳужжатлар тўплами ва республика партия ташкилотининг пахтачиликни ривожлантиришдаги тарихий роли ҳақида монография нашр этилади. Бу ишга мутахассис тарихчи олимлар жалб этилди. Шубҳасиз, бу асарлар жамоатчилик томонидан мамнуниятлик билан кутиб олинади.

Совет Ўзбекистони барқ уриб яшнашида улуғ оғамиз рус халқининг тарихий роли жуда каттадир. Совет Россияси ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўзаро ёрдам беришни ташкил этишга партиямиз жуда катта аҳамият бериб келмоқда.

Москва, Ленинград, Иваново ва ноқоратупроқ зона областлари партия ташкилотлари билан Ўзбекистон партия ташкилотлари халқларимизни ленинча дўстлик руҳида тарбиялашда, экономикани ривожлантиришда биродарларча ўзаро ёрдамни ташкил этишда бой тажриба орттирдилар. Ана шу ҳамкорликка бағишланган асарларни яратиш институтимиз коллективининг шарафли вазифасидир. Бу муҳим вазифани бажариш учун институтимиз Москва, Ленинград, Иваново ва бошқа шаҳарлар билан ижодий алоқа боғлади. «Ленинград ва Ўзбекистон», «РСФСР ва Ўзбекистон қардошлиги», «Иваново ва Ўзбекистон» каби асарлар олимларимиз ҳамкорлигида тайёрланади. Улар КПССнинг СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини ўрганишда муҳим ҳисса бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори совет фанининг ҳам муҳим вазифаларини белгилаб берди.

Партия тарихи секторидаги олимларимиз ҳозир шу муносабат билан асосан учта муҳим проблема бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар:

— КПССнинг ривожланган социализм шароитидаги фаолияти;

— КПССнинг социализм қуриш соҳасидаги тарихий тажрибаси;

— республика партия ташкилоти тарихининг историографияси.

Сектор олимлари томонидан «Социалистик мусобақада партия раҳбарлиги», «Райком ва илмий-техника тараққиёти», «Ўзбекистон Компартияси — ривожланган социализм даврида илмий-техника тараққиётини халқ хўжалигига жорий қилиш учун курашда», «Ривожланган социализм шароитда қишлоқнинг ижтимоий ривожланишига КПССнинг раҳбарлиги» ва бошқа монографиялар нашрдан чиқарилди ва жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди.

Институтимизда яқинда ташкил бўлган партия қурилиш сектори анча ютуқларни қўлга киритди. Сектор олимлари партия ташкилотларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва энг намунали иш услубларини оммалаштиришга бағишланган асарлар яратдилар. «Ўзбекистонда партия пропаганда тажрибасидан», «КПСС XXV съезди ва кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш», «Партия ишининг муҳим соҳаси» ва бошқа монографиялар шулар жумласидандир. Бу сектор олимлари бошлаётган партия ташкилотлари, район, шаҳар ва область партия органлари билан яқиндан алоқа боғлаганлар. Партия ташкилотлари қошида таянч пунктлари ташкил этилган. Таянч пунктлари, масалан, Ангрен шаҳар, Тошкент район партия комитетлари қошида мунтазам ишлаб турибди. Улар марксизм-ленинизм назариясини партия, совет ва комсомол ташкилотлари амалий иши билан боғлаш, кўпсонли пропагандист ва лекторлар билан олимларнинг ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, яхши иш тажрибаларини ўрганишдек муҳим вазифаларни бажармоқдалар. Таянч пунктлари Тошкент район партия комитети билан ҳамкорликда «КПСС XXV съезди қарорлари асосида идеология ишини яхшилаш йўллари» темасида илмий-амалий конференция ўтказди.

Институт дирекцияси ва партия ташкилоти Туркистондаги революцион ҳаракатда қатнашган ва республикамизда социалистик жамият қуриш учун актив курашган халқимиз ажойиб фарзандларининг номини тарих саҳифасига киритишда кўпчиликка манзур бўладиган тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада кўпгина йирик партия ва давлат намояндаларининг мўътабар номлари архив варақаларидан кўтарилиб газета, китоб, журналлар саҳифаларидан ўрин олмоқда, улар ҳақида радио ва телевидение орқали эшиттиришлар уюштирилмоқда. «Еш гвардия» нашриётида «Партиянинг содиқ фарзанди (А. Я. Першин)», «В. В. Куйбишев», «Жаҳон Обидова», «И. Ортиқов», «Серафима Любимова», «Тоҳирхон Шодиева», «Ян Рудзутак» номли оммабоп рисолалар чоп этилди. Институтимизнинг бундай ташаббуси кенг жамоатчиликка манзур бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори оммавий ташкилотлар олдига муҳим вазифаларни қўйди. Касаба союз, комсомол ва «Билим» жамияти бошланғич ташкилотларни партия қарори асосида кенг тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Институтимиз олимлари ҳам республикамиз областларига тез-тез бориб, лекция ва суҳбатлар ўтказиб турмоқдалар. «Билим» жамиятининг аъзоси бўлган 35 та лектор план асосида Тошкент область ва шаҳар саноат корхоналарида, колхоз, совхозларда, қурилишларда лекция ўқидилар. Тошкент области партия комитети лекторлар группаси ташкил қилаётган «Лекторлар кунида» илмий ходимларимиз мунтазам қатнашмоқда. Тарих фанлари кандидатлари Л. К. Шек, И. Алимов, К. К. Каримов ва бошқалар Тошкент областининг Коммунистик Бўйича Бўстонлиқ районларида бўлиб, билим чашмаларидан халқимизни баҳраманд қилдилар.

Ҳозир институтимиз коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. «Ленин номи билан» деган катта китоб нашрга топширилди. Бу тўплам ва улуғ доҳий номи билан аталган ко-хоналар ва маданий муассасалар тарихи берилган. Шулар қаторида В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи, Тошкентдаги Ленин майдони, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқалар ҳақида қизиқарли тарихий очерклар беришган. Тошкентдаги грампластинка заводи «Мелодия» фирмаси билан ҳамкорликда иккита тўлиқ пластинкадан иборат «Ленин ва Ўзбекистон» деган адабий мақола чиқарилиши катта воқеадир. Иттифоқимизда биринчи бўлиб чиқарилган бу овозли «Ленинном» шубҳасиз, идеология ходимларига кўмакчи бўлади ва улуғ Ленининг республикамиз билан боғлиқ бўлган тарихий фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Бизнинг олимларимиз ўзларининг асарларида В. И. Ленин ғояларининг Ўзбекистондаги тантанаси, КПСС раҳбарлигида ўзбек халқи юксак даражада ривожланган монолит социалистик миллатга айланганлиги, Совет Иттифоқи ягона ва яхлит организм тарихасида иқтисодий, маданий, социал жиҳатдан ривожланиб бораётганлиги, Совет Ўзбекистонининг, Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга, барча республикаларнинг, Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг ленинча дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга қўшаётган хиссаси ҳақида ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Институтимиз илмий ходимлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида ҳозирги босқичда идеология ишини яхшилашда ва совет тарихи фанини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов, Академиямизнинг мухбир аъзоси Х. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М. Г. Ваҳобов, таржимон олимларимиздан — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Г. Н. Ниғматов, А. Т. Аюпов, Х. Т. Солихов, Ш. Т. Толибов, Э. Б. Бадалов ва бошқаларнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Институтимиз олимлари ривожланган социализмнинг актуал илмий масалаларини ҳал этиш ишига бундан бўён ҳам муносиб ҳисса қўшаверадилар.

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари.

*ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ*

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# ҚИММАТЛИ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ташкилий ишлар бўлими инструктори Африда Жонбоева кўк муқовали дафтарни олдимизга қўйди.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар билдираётган фикр ва мулоҳазаларни шу дафтарга ёзиб бораяпмиз, — деди у.

Дафтар саҳифаларини варақлаймиз. Бир-биридан қимматли таклифлар. Партия группалари ва цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида сўзга чиққан коммунистлар хўжалик ишларини ҳам, партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни ҳам активлик билан анализ қилиб, фойдали фикр ва мулоҳазаларни билдирганлар.

«Лаззат» кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси шоколад цехи партия ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан ишчи С. Пивоварова шундай деди:

— Ютуқларга маҳлиё бўлиб қолиш бизга одат эмас. Коммунистлар ҳамиша олга интилишлари, эришилаётган муваффақиятлар кўламини кенгайтиришлари лозим. Цехимизда бажариладиган бир қатор ишлар бор. Партбюро энг аввало социалистик мусобақани ривожлантиришга эътиборни кучайтириши, коммунистик онгни шакллантириши бунинг учун эса ғоявий-сиёсий ишларни талаб даражасига кўтариши керак. Хўжалик ишларини ташкил этишда ҳам қатор камчиликлар бор. Қоғоз-яшиклар ўз вақтида етказиб берилмайди. Яшиклар бўлган тақдирда эса ваголар кечикиб қолади. Шу тариқа тайёр маҳсулотлар ўз вақтида истеъмолчиларга етиб бормайди. Бундай бепарволик маҳсулот сифатига ёмон таъсир қиляпти.

Карамель цехи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан А. Ким эса эътиборни комсомол-ёшлар билан ишлашни яхшилашга қаратди.

— Цехда меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил қилади, — деди нотиқ. — Лекин уларнинг кўпчилиги жамоат ишларида актив иштирок этишмайди. Партбюро комсомол ташкилоти ишини бирон марта муҳокама қилмади. Ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат топшириқларини бажаришдаги активлигини ошириш, эътиборсизлик билан қарамоқда. Ваҳоланки, бўлажак коммунистлар шу ёшлар орасидан етишиб чиқади.

2503-автоколонна биринчи отряди партия группаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Ҳисобот доклади муҳокама қилишда қарийб барча коммунистлар иштирок этди. Ҳайдовчи С. Нечаев меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш билан бирга ҳайдовчиларнинг дам олишларини ҳам намунали уюштириш заруллигини уқтирди. Автоколонна коллективи учун шу пайтгача дам олиш зонаси ташкил этилмаган. Ваҳоланки Сирдарё бўйларида қанчадан-қанча ерлар бекор ётибди. Уларни ўзлаштириш ва дам олиш зонасига айлантириш керак.

Механика устахонаси партия группаси йиғилишида сўзга чиққан ҳайдовчи А. Зуфаров коммунистлар активлигини оширишга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташлади. Ҳар бир коммунист доимий партия топшириғига эга бўлиши керак. Партия топшириқларининг қандай бажарилаётганлигини вақти-вақти билан текшириб туриш керак. Бунда шахсий ҳисоботлар формасидан фойдаланиш қўл келади. Партия группаси мажлисларида коммунистлар зиммадаги топшириқларни қандай бажараётганликлари ҳақида ахборотлар бериб боришлари керак.

Бошқа цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳам йиғилишлар ишчанлик билан ўтяпти. Янгийўл шаҳри саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 65 та партия группаси фаолият кўрсатяпти. Партия группаларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли якунланди. Уларда 438 коммунист иштирок этиб, 243 киши сўзга чиқди. Ҳозир улар билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилиб, амалга ошириш тадбирлари қўрилмоқда.

Цех партия ташкилотларида эса йиғилишлар давом этяпти. Ҳозирча 81 та цех партия ташкилотидан 35 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда 150 дан ортиқ коммунист сўзга чиқиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, партиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташлади.

Шаҳар партия комитетининг бюро йиғилишларида, секретарлар соатида ҳисобот-сайловларнинг борыши мунтазам муҳокама қилинмоқда. Навбатдаги бюро мажлисида ҳисобот-сайлов якунларини кўриб чиқиш планлаштириб қўйилди.

# ТАДБИРКОР БЎЛАЙЛИК

Файзулла Нарзуллаев бошлиқ бригада дала шийпони пештоқига осилган шиорлар, қўйилган диаграмма ва стендлар биринчи участка коллективининг меҳнатда қўлга киритаётган муваффақиятларидан ҳикоя қилади. Участка пахтакорлари коммунистлар етакчилигида пахтачиликни тинмай ривожлантирмоқдалар. Ҳисобот даврида 531 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштирилди. 80 процентдан кўпроқ пахта машиналар ёрдамида териб олинди.

Участка партия ташкилоти ҳисобида ҳозир 24 коммунист бор. Уларнинг барчаси бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд 4 та бригадага коммунистлар раҳбарлик қилмоқда. Жўра Дадабоев уларнинг бири. У етакчилик қилаётган бригадада ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораяпти.

Коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган участка партбюроси секретари О. Раҳимназаров мана шу ютуқларни алоҳида тилга олди. Ҳисобот даврида снёсий ишлар хўжалик ишлари билан бирга қўшиб олиб борилди. Топширилган иш учун коммунистлар масъулияти оширилди. Йиғилишларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид масалалар муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорлар ижроси устидан пухта назорат ўрнатилди.

Докладчи йўл қўйилган нуқсонлар устида ҳам тўхталди. Ҳисобот даврида партия сафларини ўстиришга эътибор берилмади. Жамоат ташкилотларига раҳбарлик ҳам талаб даражасида бўлмади. Комсомол, касаба союз ташкилотлари, хотин-қизлар Совети фаолияти сезилмади. Музқарада қатнашган бригада бошлиқлари А. Маҳкамбоев, Ж. Дадабоев, механизатор С. Нозимов ва бошқа ўртоқларнинг сўзлари ҳисобот доклади мазмунини яна ҳам бойитди. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга ёрдам берувчи таклифлар ўртага ташланди.

Участка коллективи бу йил оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқда. Кўзланган маррага эришмоқ учун коммунистлар ва барча меҳнаткашлар активлигини бутун чоралар билан ошириш керак. Янгийўл шаҳри саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 65 та партия группаси фаолият кўрсатяпти. Партия группаларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли якунланди. Уларда 438 коммунист иштирок этиб, 243 киши сўзга чиқди. Ҳозир улар билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилиб, амалга ошириш тадбирлари қўрилмоқда.

Цех партия ташкилотларида эса йиғилишлар давом этяпти. Ҳозирча 81 та цех партия ташкилотидан 35 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда 150 дан ортиқ коммунист сўзга чиқиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, партиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташлади.

Шаҳар партия комитетининг бюро йиғилишларида, секретарлар соатида ҳисобот-сайловларнинг борыши мунтазам муҳокама қилинмоқда. Навбатдаги бюро мажлисида ҳисобот-сайлов якунларини кўриб чиқиш планлаштириб қўйилди.

# «НОВИНКА» ЧЕВАРЛАРИ

**Исми-жисмига монанд бу ателье чеварлари ҳамиша кишиларга янги, кўркам ва хилма-хил фасондаги кийим-кечаклар тикиш билан машғул. Шаҳарнинг металлург ва ишчи, қурувчи ва шифокор ёшлари сўнгги модадаги куйлак, шим ва бошқа кийим-кечакларни кўпинча шу ерда буюртма қилишади. Лутфие Мухтеремова, Валентина Павловна Титова, Анастасия Ким сингари моҳир бичиқчи ва тикувчилар эса уларнинг диднга мос, ярашиқли матолар танлаб олишлари учун ёрдам кўрсатадилар.**

**— Ательемиз ишчи-хизматчилари,— дейди шу коллективга кўп йиллардан бўён раҳбарлик қилаётган Л. А. Макарова,— буюртмачиларнинг дилига мос кийим-кечаклар тикишни ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Август ойида аҳолига пландаги 15 минг ўрнига 16300 сўмлик хизмат кўрсатдик. Умуман ҳар йилгидек бу йил ҳам план-топшириқларимизни кварталмакварталлар бажармоқдамиз.**

**Коллективнинг меҳнат муваффақиятларида коммунистлар ҳиссаси каттадир. Хурсаной Дўстматова, Эътибор Раҳмонова сингари тикувчи ва бичиқчилар ўз касбларига садиқликлари ва ихлос қўйиб, буюртмаларни мудлатидан илгари ва сифатли қилиб тайёрлашга эришмоқдалар.**

**Ателье коллективида комсомол-ёшлар сафи ҳам ўсиб бормоқда. Шаҳардаги 93-ҳунар-техника билим юрти ҳар йили кўплаб ёшларни ишга юборяпти. Бу йил ҳам унинг йўлланмаси билан 8 нафар чевар коллективга келиб қўшилди. Света Ким, Мина Петерс каби собиқ талабалар эса ҳозирги кунда ўз ишининг усталари сифатида танилганлар. Чеварларнинг ўз билимларини оширишлари учун кўпгина шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Коллективнинг ёш аъзоларидан бири Гулия Ахмедзянова яқинда Тошкентга — 9 ойлик малака ошириш курсига ўқишга юборилди.**

**— Коллективимиз бир неча йилдан буён шаҳардаги «Лола» ательеси билан мусобақадош,— дейди Лиля Андреевна.— Мусобақанинг таъсири билан йил сайин кўрсатгичларимиз даражаси ортиб бораяпти. Кейинги уч ойдан буён беллашувда голиблик қиляпмиз. Бу эса кучимизга-куч, ғайратимизга яна ғайрат қўшмоқда.**

**А. БОБОБЕКОВ,**
Бекобод шаҳри.

# КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

### БОЙКОНУРГА МАКТУБ

КОСМОС забткорлари Владимир Ляхов ва Валерий Рюмиилар тарихда биринчи марта 175 кун фазода учдилар. Бу даврда космосни забт этишнинг кейинги поғоналари учун хизмат қилдилар. Фан ва техникани, халқ хўжалигини ўстириш учун бой илмий маълумотлар тўпладилар.

Ленинчи ёшларга жанговар анъаналарни давом эттириш, ҳар бир воқеага янги муваффақиятлар билан жавоб бериш шарафли бурчга айланиб қолган. «Биринчи беш йилликлар қаҳрамонлари — сафимизда» ватанпарварлик ташаббусига қўшилган Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг С. Комилов бошлиқ маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси Владимир Ляхов ва Валерий Рюминга мактуб йўлладилар.

### ҒОЛИБЛАР

«ЭЛЕКТРОХИМ ПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлари зафар кетидан зафар қучиб, оммавий-сиёсий ишларда ҳам актив қатнашмоқдалар. Ёшлар меҳнати илмий асосда ташкил этиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш бўйича катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу эса меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга баракали таъсир кўрсатмоқда. Бирлашма коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қандай муваффақиятларга эришмасин, бунда комсомол-ёшларнинг муносиб ҳиссаси бордир.

Корхона комсомол комитети социалистик мусобақани ўтказиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга катта эътибор билан қараяпти. Яқинда навбатдаги босқич мусобақаларига якун ясалди. Унда 1-тозалаш цехининг Б. Берлинов бошлиқ комсомол-ёшлар сменаси шохсупанинг юқори поғонасидан ўрин олишга муяссар бўлди. Комсомол-ёшлар бригадаси ўртасида В. Колусев раҳбарлик қилган коллектив ғолиб келди. Уларга шаҳар комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари топширилди.



Олмалиқ гилам фабрикаси коллективи бу йил бир ярим миллион квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу ўтган йилга нисбатан ярим миллион квадрат метр кўпдир. Ҳозиргача фабрикада 800 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилди ва маҳсулот сифати асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан яхшиланмоқда. Суратда: ишлаб чиқариш участкаларининг бирида.

Г. Пун ва В. Безанов фотоси.

(ЎзТАГ).

# ҲАЙДОВЧИЛАР МАРРАСИ

Ангрендаги 7-автобазанинг В. Станкевский бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси йиғма темир-бетон ташишнинг янги, моккисимон усулига ўтди. Бу усул уй-жойларни автомобилда ташиб келтирилган деталлар билан монтаж қилиш, бунинг устига бошқа объектларга хизмат қилиш учун бир неча машинани бўшатиш имконини беради. Бутун коллективнинг бир маромдаги зарбдор меҳнати катта муваффақиятга эришишга ёрдам берди: беш йилликнинг тўрт ярим йиллик программаси муддатидан илгари бажарилди.

Бу коллектив составида 32 киши бор. Бу ердаги шоферларнинг кўпчилиги кўп йиллардан бери ишлаб келмоқда, уларнинг деярли ҳаммаси биринчи ва иккинчи класс ҳайдовчи гувоҳномасига эга. А. Акулов, Д. Челиев, М. Ефремов, А. Майер ва бошқа пешқадамлар ўз тажрибаларидан моҳирона фойдаланиб, белгиланган графикдан анча ўзиб кетмоқдалар. Бригадада автомобилларнинг ўртача қатнаш нормативи икки-уч баравар ошиб кетди.

Ҳайдовчилар «Ўзбекшахтастрой» трестининг қурувчилари билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиб, ана шу қурувчиларга панд бермасликка ҳаракат қилмоқдалар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, ана шу санагача беш йиллик планни бажариш тўғрисида рапорт бериш ниятидадирлар.

(ЎзТАГ).

# ҚУЁШ ИСИТАДИГАН УЙ

Қуёш нури бу уйнинг томига тушгач, иситиш системасининг радиаторларига иссиқ сув кела бошлайди. Шундан сўнг уч хонали квартиранинг исишига 45 минут кифоя.

Қуёш энергияси билан иситиладиган уй лойиҳаси Тбилиси уй-жой ва жамоат биноларини типовий ва экспериментал лойиҳалаш зонал илмий тадқиқот ва лойиҳа институтида ишлаб чиқилган.

Мамлакатнинг жанубида шундай биноларни қуриш мўлжалланади. Томнинг иншоотларидан бири ойнаван қилинган бўлиб, қуёш нурини қабул қилувчи қурилмалар билан таъминланган. Бу қурилмалар энергияни йиғиб иссиқликка айлантиради. Бу иссиқлик маиший эҳтиёжлар учун етарлидир. Иссиқ сув иситиш батареялари ва девор ичига олинган трубаларгагина ўтиб қолмай, подвалда ўрнатилган аккумулятор-резервуарга ҳам йиғилади. Шунинг учун тунда ҳам уй иссиқлик билан таъминлаб турилади, ҳаво бузилган пайтларда эса одатдаги газ ва электр билан иситиладиган система ишлай бошлайди.

Тбилиси яқинида биринчи шундай эксперимент уйни қуриш мўлжалланади.

(ТАСС мухбири).

*ЭРТАГА—ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ*

# УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ

СЕРҚУЁШ республикамизда яшил бойликлар 5 миллион гектар майдонда ястанган. Ўрмонзорлар эгаллаган майдон оз бўлишига қарамай у республика халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эгадир. Яшил бойликлар энг аввало ерларни сел ҳамда шамол ва сув эрозияларидан муҳофаза қилади, қум кўчкиларининг олдини олади ва қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга катта ёрдам беради.

Ўрмонларнинг яна бир қимматли хусусияти шундаки, улар табиатнинг қудратли биофильтрлари ҳисобланади. Саноатни индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини химизациялаш жадал суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда яшил бойликларнинг бу хусусияти янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Кўплаб пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базаларнинг асосан ўрмонлар билан қопланган массивларда жойлашганлиги ҳам ана шундандир.

Ўрмонзорларнинг яшил бойлик деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу ерда турли хил мевалар ва шифобахш ўсимликлар етиштирилади. Ўрмонзорларда асаларичилик ва овчилик хўжаликлари йил сайин кенг авж олиб бормоқда.

Тошкент областининг ўрмонзор массивларида, асосан ёнғоқ дарахтлари ва хушманзара арчалар ўстирилади. Область давлат ўрмон фонди 400 минг гектар майдонни эгаллайди. Шундан 70 минг гектари қуюқ дарахтлар билан қопланган. Бу ерда Греция ёнғоғи, олма, бодом, қайин, олча, облепиха сингари дарахтлар парвариш қилинмоқда.

Пойтахт областида Тошкент, Чирчиқ, Бурчмулла, Оҳангарон, Бекобод ва Паркент ўрмон-мелиорация станциялари ишлаб турибди. Бу корхоналарнинг коллективлари республика ўрмон хўжалигини янада ривожлантиришга йил сайин салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўрмон-мелиорация станциялари ходимлари шу йил баҳорда 280 гектар янги ўрмонзор барпо этдилар, 1290 куб метр ёғоч материаллари тайёрландилар.

Область ўрмон хўжаликлари ўрмонларни ремонт қилиш, ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш бўйича 8 ойлик планни анча ортиғи билан бажардилар. Пландаги 6,7 тонна ўрнига 8,4 тонна доривор ўсимлик тайёрланиб, жами 364 минг сўмлик товар маҳсулоти реализация қилинди. Давлатга 70 центнер асал, 500 тонна мева, 4440 килограмм қуён гўшти ва 1700 дона қуён териси сотилди. Бу рақамлар ҳам планда кўзда тутилганидан анча салмоқлидир.

Область ўрмон хўжаликларида ҳар йили 10—12 миллион донадан знёд нодир манзарали, мевали ва тут дарахтлари ҳамда гул кўчатлари етиштирилмоқда. Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон ўрмон хўжаликларида ёнғоқ кўчатлари етиштиришга ихтисослаштирилган махсус кўчатхоналар ташкил этилди. Жумладан, Тошкент ўрмон хўжалиги ходимлари Коммунистик районидаги Оқсоқота участкасида 60 гектар майдонга ёнғоқ кўчатлари экиб, деярли тўла амал олдиришга эришдилар.

Умумхалқ бойлиги ҳисобланувчи ўрмонларнинг халқ хўжалигига ва кишилар соғлиғига келтираётган беқиёс катта ёрдамини сўз билан тўла таърифлаб бериш қийин, албатта. Биз кекса ўрмончилик ходимларидан «Ўрмон — намлик демакдир, намлик — ҳосил, ҳосил эса — ҳаёт демакдир» деган иборани тез-тез эшитиб турамиз. Дарҳақиқат шундай. Ўрмонлар тоғли зоналарга кўплаб қор ёғишига сабабчи бўлади ва қорнинг узоқ сақланиб туриб, бир маромда эриб, беполён оқишига катта ёрдам беради.

Яшил бойликларнинг ажойиб хусусиятларидан оқилона фойдаланиб, уни ўз изига буриб, инсон учун хизмат қилдиришда юксак кўрсаткичларга эришаётган тажрибали ўрмон хўжалиги ходимлари пойтахт областида кўплаб топилади. Ана шулардан бири Чирчиқ ўрмон хўжалиги ишчиси Р. Мирвафоевдир. Унинг бевосита раҳбарлиги остида Хўжакент ўрмончилиги йил сайин кенгайиб, сермаҳсул бўлиб бораётир. У ерда ҳар йили 70—80 гектар майдонда янги ёнғоқзорлар ташкил этилаётир, 400—500 минглаб сифатли ёнғоқ кўчатлари етиштирилмоқда.

Оҳангарон ўрмон хўжалиги коллективи республикада биринчилар қаторида ўрмон хўжалиги ходимлари куни шарафига қабул қилинган юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Бундай ютуқни қўлга киритишда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўрмон хўжалиги ходими Ғ. Юзбошевнинг хизмати каттадир. Хўжаликка оқилона раҳбарлик қилиб келаётган Ғ. Юзбошев чорак асрдан бери шу касбда ишламоқда.

Пойтахт областининг ўрмон хўжалиги ва ўрмон-мелиорация станциялари коллективлари ўзларининг касб байрамларини ана шундай юксак кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Шу кеча кундузда 1979 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ҳам тўла ва ортиғи билан бажариш учун барча коллективларда ўзаро меҳнат беллашуви қизғин авж олдириб юборилди.

В. ХОН,
Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг А. Назаров бошлиқ бригадаси коллективи 160 гектар майдонда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирди. Улар ўрим-йиғимни жадал суратларда ўтказаётирлар.
Суратда: механизатор Ф. Ф. Қозоқбоев «Херсонец-7» комбайнида маккажўхори ҳосилини ўрмоқда.
Ҳ. Аввалов фотоси.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

# АЪЛО НАВ-МЎЙ ДАРОМАД

Областимиз пахтакорлари бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам мардонавор меҳнат қилиб, Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Азамат механизаторларимиз бу ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилганлар.

Машина терими — иш унумдир. Терим техникасидан самарали фойдаланиш туфайли пахта ҳосили қисқа муддатда йиғиштириб олиняпти. Партия ва ҳукуматимиз йиғим-теримни механизациялаш учун пахтакорларнинг манфаатдорлигини ошириш тадбирларини белгилагаилар.

Шу билан бир қаторда механик-ҳайдовчиларимиз машина терими сифатига ҳам жиддий эътибор беришлари зарур. Буниг учун ҳозирги пайтдан бошлаб қатор тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Энг аввало пахта далаларини машина теримига сифатли тайёрлаш зарур. Ҳозир машина теримига ажратилган майдонларнинг бир қисмини қайта ишлаш ва бу пайкалларда бирорта бегона ўт бўлмаслиги чоралари кўрилиши керак.

Механик-ҳайдовчилар ремонтдан чиқарилган пахта териш машиналари, кўсак узиш ва тўкилган пахтани йиғиб олиш агрегатлари ишчи органларини яна бир бор текшириб чиқишлари лозим. Бунда ишчи органларни оралиқларини аниқ созлаш, ёнилғи-мойлаш материалларининг оқишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши талаб қилинади.

Пахта навларининг терим вақтида бир-бирига қўшилиб кетмаслиги учун машина теримини ғўза тупидаги кўсакларнинг 60—70 процентти очилиши билан бошлаш керак. Буниг учун ғўза дефолияциясн гоят сифатли ўтказилишига эришмоқ муҳимдир.

Машинада сифатли пахта териш хўжаликларга катта даромад келтиради. Жумладан, ўтган йили Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозида яппи ҳосилнинг 99,8 проценти — 2806 тонна пахта машиналарда терилган. Машинада терилган пахтанинг 53 процентн биринчи саноат сортига қабул қилинган. Шу ҳисобга колхоз 52,6 минг сўм қўшимча соф фойда олди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли қўқ хўжалигида эса машинада терилган пахтанинг биринчи саноат сортига топширилиши натижасида 235,5 минг сўм соф даромад олинди. Умуман, областнинг илғор хўжаликларида ўтган йили машина теримнин сифатли ўтказиш натижасида давлатга юқори навли пахта топширилганлиги туфайли 3,3 миллион сўмликдан кўпроқ қўшимча соф фойда олинди.

Аммо, айрим хўжаликларда машина теримининг салмоғи юқори бўлганлиги билан давлатга топширилаётган пахта паст сортларга қабул қилинмоқда. Чунончи, ўтган йили Ғалаба районидаги «Победа» колхозида яппи ҳосилнинг 98 проценти — 2024 тонна пахта машиналарда терилди. Лекин бу пахтанинг бирор тоннаси ҳам биринчи саноат сортига қабул қилинмади. Оқибатда хўжалик қўшимча соф фойда олишдан маҳрум бўлди. Райондаги Киров номли, Энгельс номли колхозлар, Волков номли ва «Коммунизм» совхозларида ҳам машина теримн сифатсиз ўтказилганлиги туфайли давлатга топширилган пахта учун устама ҳақ тўланмади.

Ўтган йили Чиноз районида етиштирилган 33 минг 714 тонна пахтанинг 27 минг 606 тоннаси «зангори кема»ларда терилди. Яъни яппи ҳосилнинг 82 процентн машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бироқ, бу пахтанинг бирор тоннаси ҳам биринчи саноат сортига қабул қилинмади. Бу йил хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва механизаторлар машина терими сифати масаласига алоҳида эътибор беришлари талаб қилинади.

КПСС XXV съезди қарорларида пахта сифатини ошириш энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган. Шундай экан, пахтакорларимиз «оқ олтин»ни етиштиришни кўпайтириш билан биргаликда унинг аъло навли бўлишига ҳам эришишлари лозим.

В. ЖАВҲАРОВ,
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси сифат бўлимининг бошлиғи.

# 50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Ғўза тупларидаги кўсаклар шода-шода. Тагидан тепасигача ҳосили бор. Қўшни колхозлдан келган меҳмонлар дала айланар эканлар, бригада деҳқонларининг миришкорлигига қойил қолдилар.

—Бу йилги шароит ўтган йилгидан ҳам мураккаб бўлди. Лекин экининг ривожи яхши. Бунга қандай қилиб эришдингиз?

— Энг муҳими саросимага тушмаслик, иккиланмаслик керак. Тер тўкканга ер тўкади, — деб жавоб берди бригадир Султон Юнусов.

Чиндан ҳам Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг пахтазорларида бўлган киши азаматларнинг ғайрат-шижоатига, тадбиркорлигига тан беради. С. Юнусов бошлиқ бригада пахтакорлари эса мўл-жалдагидан ҳам ортиқ ҳосил тўпламоқдалар.

Ҳозиргача ғўза етти марта культивация қилинди, беш марта сувдан чиқарилди.

Апрель ойининг ўрталарида чигит экилган эди. Ернинг табиий намига ундириб олинди. Бироқ кетма-кет ёққан ёмғир туфайли қатқалоқ пайдо бўлиб, ниҳолларнинг ривожланишини кечиктирди. Лекин тажрибакорлар барча маҳоратларини ишга солдилар. Қатор оралари чуқур культивация қилинди. Ғўнг солинди, шарбат суви оқизилди. Бошқа маданий ўғитлар ҳам эрта берилди. Тракторчи Ким Мирон, айниқса, жасорат кўрсатиб меҳнат қилди. У ҳар бир культивацияни бошлашдан олдин агрегатини пухта созлади, ишчи органларини тўлиқ ўрнатди. Белгиланган кенгликда ва чуқурликда культивация қилинишига алоҳида эътибор берди. Сувчилар билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб борди. Натижада ғўза ниҳоллари тезда ўзини ўнглаб олиб, гуркираб ўса бошлади. Сўнгра культиваторларга ҳимоя тўсиқларини ўрнатди. Бирон туп ҳам ғўзаининг шикастланишига йўл қўймади.

Шундай қилиб, 106 гектар майдонда кўчатлар бутлаб олинди.

Республика партия ва ҳукуматининг йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорини пухта ўрганиб, шу асосда иш олиб бораётган бригада миришкорлари ўз имкониятларини қайта чамалаб кўрдилар. Улар илгари гектаридан 40 центнердан ҳосил топширамиз, деб сўз берган эдилар. Эндиликда 50 центнерлик марра учун кураш кетмоқда. Далаларда бironта ҳам бегона ўт йўқ. Ҳашаротга қарши кураш чоралари вақтида амалга оширилди. Ҳосилнинг 95 процентини машинада териб олишга ҳозирлик кўрилмоқдалар.

— Мен, — дейди бригаданинг моҳир механизатори С. Герасимов. — Агрегатимни пухта созлаб қўйдим. Кўрик-конкурсдан муваффақиятли ўтдим. Бу йил кам деганда 250 тонна пахта тераман.

Масъулиятли мавсум яқин. Бригада деҳқонлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаш, тез ва соз ўтказиш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўймоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

# БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида иш юритаётган Жданов номли колхоз деҳқонлари Бўстонлиқ райони хўжаликлари орасида биринчилар қатори ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш беш йиллик плани анча ортиғи билан адо этилди.

Пешқадам колхоз аъзолари беш йилликкинг ўтган даври мобайнида давлатга 33672 тонна сабзавот маҳсулотлари, 1699 тонна мева, 4081 тонна дон, 1033 тонна сут, 373 центнер шилла сотдилар. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир.

Хўжалик миришкорлари, айниқса, бу йил фидокорона меҳнат қилдилар ва барча кўрсаткичлар бўйича йиллик планни ҳам муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Давлатга сабзавот сотиш плани ҳозирги кунгача 102 процент, мева сотиш плани 130 процент, бошқлн дон сотиш плани 210 процент қилиб адо этилди.

Коллективнинг умумий ютуғига тажрибакор сабзаворкорлар раҳбарлик қилаётган бир қатор бригадалар самарали ҳисса қўшишди. Жумладан Сарибой Ибраев, Исроил Убайдуллаев, Қарли Пайзибековлар бошлиқ бригадаларнинг миришкор сабзаворкорлари икки йилдан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот етиштириб топширмоқдалар.

Катта ютуқдан руҳланган колхоз меҳнаткашлари мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиб қўшимча социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Шу йилнинг охиригача давлатга яна 2300 тонна сабзавот маҳсулотлари топширилади ва бу билан ҳосилдорлик гектар ҳисобига 360 центнерга етказилади.

Шу кеча-кундузда хўжалик бўлимларида зардоб меҳнат давом этмоқда. Пишиб етилган ҳосилни пешмапеш териб, қабул пунктларига етказиш билан бирга келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин яратишга эришилди.

# ЎРИМ ЖАДАЛ

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар майдондан 200 центнердан каноп поясн етиштириш учун курашаётган Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхози лубкорлари ҳосил ўрим-йиғимини жадал олиб бораётирлар. Канопзорларда ўроқ машиналари ва пўстлоқни ажратадиган ЛС агрегатлари юксак унум билан ишлаб турибди. Шу туфайли хўжалик аъзолари қулига қабул пунктларига планнинг 6—7 процентн ҳисобида каноп пояси топширмоқдалар.

Лубкорлар бу йил давлатга 10840 тонна «кўк олтин» армуғон этиш мажбуриятини олганлар. Ҳозир бутун куч ва имкониятлар бу юксак маррани тезроқ эгаллашга қаратилган.

Райондаги Энгельс номли, Димитров номли ва Ленин номли колхозларда ҳам каноп ўрим-йиғими жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Э. БУТУНБОЕВ.

# ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

## МЕҲНАТКАШЛАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

ҚОБУЛ, 14 сентябрь (ТАСС). «Кабул таймс» газетаси афғон матбуотининг вазифаларига бағишланган мақоласида бундай деб ёзади: Апрель революциясидан кейин Афғонистон оммавий ахбороти барча воситалари меҳнаткашлар назорати остига ўтди.

Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейин асосий миллатлар тилида янги вақтли нашрлар пайдо бўлди, газета ва журналларнинг тиражи анча кўпайди. Афғонистон матбуоти халқ душманларини фош қилмоқда, эски феодал маданиятини емириб ташлашда қатнашмоқда, барча миллат намояндаларининг истеъдод эгаларини аниқлаб, уларни камол топтиришга ёрдам бермоқда.

Мақолада оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ўзларининг бутун куч, истеъдод ва маҳоратларини маданий революцияни ривожлантиришга, идеология ишида актив қатнашишга, хурофот, реакцион қарашлар ва урф-одатларга қарши кескин кураш олиб боришга қаратишларига даъват этувчи гаплар баён этилган. Матбуот ходимлари, деб таъкидлайди «Кабул таймс» газетаси, ҳар бир сўзидан, адабий асардан меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида, яшнаб турган Афғонистонни барпо этиш манфаатлари йўлида қандай қилиб гоят самарали фойдаланиш кераклигини билишлари лозим.

## МАРОҚЛИ ВА ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

ТЕҲРОН, 13 сентябрь. (ТАСС). Журналистларнинг Тошкентдаги ҳалқаро семинари гоят марокли ва фойдали бўлди, деди семинар ишида қатнашган Эрон миллий йўналиш министрининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари М. Момкен «Кайхон» газетаси мухбири билан суҳбатда. Семинарнинг ҳамма қатнашчилари ва айниқса блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг 50 нафар матбуот ходими Ғарб ахборот воситаларини ва жумладан, ахборот агентликларининг қўшилмаган мамлакатлардаги факт ва воқеаларни бузиб, сохталаштириб кўрсатувчи мухбирларини таҳқид қилиб чиқдилар. Бу семинарда биз, деб уқтирди М. Момкен, Ғарб пропагандистлари Эрондан бошқа мамлакатларга ҳам ҳуруж қилаётганликларини тушундик. Шу муносабат бидан министр ўринбосари семинар қатнашчиларини Эронга таклиф этиб, бу мамлакатдаги революцион воқеалар тўғрисидаги ҳақиқатни ҳаммага тушунтириш нияти борлигини айтди.

АФҒОНИСТОН пойтахтида «Социализм мамлакатларида бахтли болалик» номи остида фотохўргазма очилди. Халқаро болалар йили муносабати билан ташкил этилган бу кўргазмада Болгария, Польша, СССР, Куба, Монголия, ГДР, Вьетнам ва Венгриядан жўнатилган 300 та фотосурат намойиш қилинмоқда. Суратда: кўргазма залида.
Г. Надеждин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

## МИЛЛАТГА МУРОЖААТ

ЛИССАБОН, 13 сентябрь. (ТАСС). Португалия президенти генерал Рамалью Эанеш миллий радио ва телевидение орқали халққа мурожаат қилиб нутқ сўзлади. У айтдики, республика Мажлисини тарқатиш мавжуд проблемаларни демократик асосда ҳал этишни гарантиялаши лозим бўлган жараёнинг бошланганлигидан далолат беради.

Узоқ давом қилган ҳукумат танглиги, деб уқтирди давлат бошлиғи, оралиқ яппи сайлов ўтказиш зарурлигини тақозо этди. Бу сайлов иккинчи декабрга белгиланган. Парламент вакиллари бўлган сиёсий партиялларнинг кўпчилиги бу тадбирни қўллаб-қувватлади.

Рамалью Эанеш умид билдириб айтдики, сайлов натижасида барқарор ҳукумат тузилади. Бу ҳукумат мамлакатнинг гоят муҳим проблемаси — экономика проблемасини ҳал этишга киришади.

Президент Португалия халқини бўлажак сайлов давомида юксак сиёсий онглилик кўрсатишга чақирди.

## ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Жаҳон халқлари Чилида жиноятчи Пиночет хунтаси кучайтириб юборган репрессияларга қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар. Яхши ниятдаги кишилар ҳарбий фашист режимига қарши, сиёсий маҳбусларни озод қилиш учун, демократлаштириш учун курашни кучайтираётган шу мамлакатнинг ватанпарварлари билан бирдам эканлиги тўғрисида планетанинг ҳамма қисмидан хабарлар келиб турибди.

ГАВАНА. Кубанинг ҳамма қисмида жиноятчи фашист хунтага қарши курашни давом эттираётган қаҳрамон Чили халқи билан бирдамлик митинглари ва намойишлари бўлиб ўтди.

Гавана, Матансас, Сантьяго-де-Кубада ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида меҳнаткашлар Чили фашистларининг қонли репрессиясини кескин қораладилар ва Чилининг курашаётган ватанпарварлигини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг тинчлик, дўстлик ва бирдамлик комитети Эфиопия халқи Чили ватанпарварларининг Пиночет фашист режимига қарши олиб бораётган адолатли курашини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини яна изҳор қилди.

Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги тамом бўлиши муносабати билан (бу ҳафталик Жаҳон Тинчлик Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган эди) эълон қилинган баёнотда Эфиопия комитети Пиночет режимини кескин қоралади, бу режимни марказий разведка бошқармасининг рухсати ва қўллаб-қувватлаши билан Чили халқ оммасига қарши шафқатсиз бебошлик қилишда ва фашист идора усулини қўлланишда айблади.

САН-ФРАНЦИСКО. Бу ерда Америка жамоатчилигининг фашист истибдодига қарши қаттиқ кураш олиб бораётган Чили ватанпарварлари билан оммавий бирдамлик намойиши бўлди. Бу намойиш «Яшасин Чили, йўқолсин хунта!», «Сиёсий маҳбусларга озодлик!», «Жаллодларни қўллаб-қувватлашга чек қўйилсин!» деган шиорлар остида ўтди.

Ирқий ва сиёсий репрессияларга қарши курашувчи миллий иттифоқнинг ҳамраиси Анжела Дэвис намойишдан кейин ўтказилган митингда бундай деди: Чили асорат исканжасида азоб чекмоқда. Америка монополиялари, Пентагон ва Марказий Разведка Бошқармаси Пиночетни қўллаб-қувватламоқда. Улар жаллодларнинг қонхўрликдан иборат сиёсатига йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар. Бу жаллодлар, деди Дэвис, уларнинг Чили халқи бойлигини талашига йўл очиб бермоқдалар. «АҚШда ишлаб чиқарилган» деган тамға Чили фожиасини вужудга келтирди. (ТАСС).

# ПЛЕНУМ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПАРИЖ, 14 сентябрь (ТАСС). Иврида Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тугади. Пленум қатнашчилари ФКП сиёсий бюросининг аъзоси Ф. Эрэогнинг ҳукмрон доиралар антисоциал сиёсатига қарши кураш, шуннингдек партия сафларини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган докладини муҳокама қилдилар. Пленум партия матбуоти муҳим роль ўйнаётганлигини қайд этиб, ФКП бошланғич ташкилотларини ана шу матбуотни ёйиш ва оммалаштириш ишига гоят катта эътибор беришга даъват қилди.

ФКП бош секретари Ж. Марше пленумда якунловчи нутқ сўзлади. У «Совет таҳдиди» деб аталган соҳта масала юзасидан буржуа пропагандаси авж олдириб юборган шов-шувни қатъиян қоралади. АҚШда СКЧ-2 тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш масаласи муҳокама қилинаётган бир пайтда, деди у, баъзи нимсалар у ерда қуролланиш пойгасини яна бошлаб юборишни орзу қилмоқдалар.

Ж. Марше «Европа мудофаси»ни вужудга келтириш режаларига қарши қатъий фикр билдирди. Унинг сўзларига қараганда ана шу режалар замирида ГФРга ядро қуролига эга бўлиш имконини беришга уринишлар яшириниб ётибди.

# ГАП ТАГИДА ГАПБОР

## «ЯХШИЛИК ЯХШИ-ДА» НОМЛИ РИСОЛАДАН ПАРЧА

Ўйлаб сўзлаган эр сўзи
кўрки бўлур.
Кўп янглишган тил кишига
душман бўлур.
**Аҳмад ЮГНАКИЙ.**

Муомала борки у бамисоли тирговичдек ёки аксинча, пистирмадан отилган ўқдек кишига таъсир қилади. Муомала борки ер тагидаги жангдан дарак беради. Шунинг билан бирга сир яширувчи ва табассумга мойил этувчи суҳбатлар ҳам бўлади. Бунақа муомалалардан «гап тагида гап бор» деган хулосага келиш мумкин. Яхши одамлар гап-сўзда ҳамиша ҳақиқатни ёқлайдилар. Ҳазиломуз айтилган гаплдан бировнинг боғига ноҳақ тош отилиши мумкин. Дарёга ҳам ўт кетадими? Бунга одамларни ишонтириш учун кимдир:

— Эй, шунинг учун ҳам кеча бозорга думи, тумшуғи куйган балиқлар келтирилган экан-да, — деб қўйса, бас, кўпчилик ишонади. Чунки, дарёда газ ва нефтнинг ёниши аҳён-аҳёнда учраб туради. Шунда балиқ куядими-куймайдими ўйлаб ўтирмайди. Гап, сўз авжида. Шунда кимдир гапни шартта бўлади-да:

— Ўртоқ, тўй-ҳашам ўтказибсан. Эшитдим, хурсанд бўлдим, — дейди. Шу билан, «бизни тўйга, зиёфатга таклиф этмадинг-да», демоқчи бўлади.

Нариёқдан ўтиб кетаётган бирор кимсага ҳам пистирмадан тош отиш мумкин. Бу қўпинча хотин-қизлар шаънига қаратилган бўлиб, ниҳоятда катта беодобчилик ҳисобланади.

Бир кун Суннатилла деган йигит турган жойида типирчилаб:

— Ана қаранглар, фалончи профессор келвотти, ўтиб кетсин, сўнг айтиб бераман, — деди.

Ким ер тагидан, ким кўз қири билан, яна бир ким тўғридан-тўғри назарини ташлади ва ўзлари жим бўлиб қолишди. Ҳалиги киши бирор нарсани сезди шекилли, ийманиброқ ўтиб кетди. Аниқроғи у ёшлардан салом кутган эди.

Салом ўрнига Суннатилла, худди сузмоқчи бўлгандек, калласини даврага суқди-да:

— Ўлгундай ичар экан. Бир куни тўйда ичиб маст бўлиб қолибди, тўй боладек опичиб олиб, уйига қўйиб келдим, — деди.

Эҳтимол Суннатилла тўғри гапиргандир. Аммо аҳлоқ, одоб юзасидан барибир гийбат демакдир. Агар унинг гапи нотўғри бўлса — у ёлғончидир. Суннатилланинг пистирмадан отган тоши маломат тошига тенгдир.

Бунга Абу Шукулқ Балхий бундай жавоб беради:

Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чиқар индан илон, мурдор ҳам.

Одам борки табиатан кимвидир ёқтирмайди. Кўзи-кўзига тушиши биланоқ руҳияти бузилиб, дили ранжийди. Иложи бўлса, саломлашмаса, кўришмаса. Ноилож-ликдан тил учида салом беради, қўл учида кўришади. Эҳтимол, бир вақтлар ади-бадига боришгандир ёки бир-бирининг номатлуб феъл-атворидан огоҳ бўлгандир. Агар шунақа киши ҳамкасб бўлса, бир хонада ишласа, «ичимдагини топ» деб ранги қув ўчиб, қоши чимирилиб кетади, ер тагидан «жанг» бошланади, иш унуми ҳам бўлмайди. Бир-бировини кўролмаслик, ёқтирмаслик билан кимдир ишни тарк этиш даражасигача етиб бориши мумкин. Ўзаро гапда акслик, кесатиқ ҳукм суради. Одоб-аҳлоқ юзасидан оқил кишигина адоватдан ҳоли бўлади.

Киши асли улдир,
қўнимли бўлиб,
Ишни ижро этса,
ўзини тутиб, —

дейди Юсуф Хос Ҳожиб...

Суҳбат пайти Ватан, давлат арбобларининг ва шунингдек давлатнинг муҳофазавий ички сирлари мутлоқ пинҳон тутилади. Бунга ўтмишдан бир мисол келтирамиз.

Россия Шарқ мамлакатларининг бири билан давомли уруш бошлаган (1787—1791), аҳволи ҳийла танг эди. Кунларнинг бирида Англия вакили Фолкнер Малика Екатерина қабулида бўлади, аркони давлатнинг дабдабасини кўриб ҳайрон қолади.

Ўша куни кечки пайт А. А. Безбородко билан суҳбат қуради.

Фолкнер:

— Англия Россияга қарши уруш очиши мумкин!

Безбородко:

— Аввало бизга етиб келолмайсиз, қўлингиз етган тақдирда ҳам Швед кироли Карл XII нинг кунига тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Фолкнер:

— Пруссияни сизга қарши қўйишимиз мумкин.

Безбородко:

— Анави можарода Петр III Фридрих Великийнинг жонига оро кириб қолган эди. Бўлмаса Пруссиянинг аҳволига маймунлар йиғлади.

Фолкнер:

— Россия билан савдони тўхтатамиз.

— Савдога биз эмас, сизнинг савдогарларингиз мухтож.

А. А. Безбородконинг сир беркитиши, дадил ва ишонарли сўзлари Фолкнерни қоландирса, тишини чарҳлаб турган Англияни Россияга қарши юришдан қайтарди. Ўз фикрини пинҳон этиш учун дипломатга тил берилган деган ибора бекорга айтилмаган. Аҳмад Югнакий демиш:

Билимлик керакли сўзни
сўзлайди,
Кераксиз сўзни кўмиб
ташлайди.

Табуссумга мойил этувчи гаплар кишининг дилини нурафшон этувчи табиий омилларнинг энг афзалидир. Бу олий фазилат ўта кетган ақлли ва доно, ҳозиржавоб ва табиатан хушхулқ ширин забон кишиларгагина насиб бўлган. Мана, бир мисол:

Америкалик машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйга Англиядан бир мактуб келди. Унда «қўлда машъала бўлса, шер ҳамла қилмаслиги тўғрими?» — деб сўралган эди.

— Бу машъалани қандай тезлик билан олиб бораётганингизга боғлиқ, — жавоб берди ёзувчи...

Сўз одобига эришиш хуш аҳлоқ намунаси бўлиб кишини доимо юксакликка чорлайди.

**З. ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**З. ЭГАМБЕРДИЕВА,**
медицина фанлари кандидатлари.

---

ЛЕНИНГРАД. Қуввати 1 миллион киловатт бўлган моноблокли (реактор-турбина-генератор) атом электростанциясини ташкил қилиш совет атом энергетикасининг асосий йўналишларидан бири бўлади. Жанубий Украина АЭСида қуриладиган биринчи турбогенератор айни кунларда Ленинграддаги «Электросила» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланмоқда. Суратда: турбогенератор статорининг қурилиши.

●

ЧЕЛЯБИНСК ОБЛАСТИ. Мамлакатнинг кўпгина корхоналари шу кунларда Волжск автозаводининг ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш системаси бўйича иш олиб боряпти. Бу система раҳбарларнинг масъулиятини янада оширади.

Қора металлургияда ВАЗ усулини биринчи бўлиб Ашинский металлургия заводи коллективи қўллади. Бунинг натижасида барча кўрсаткичлар яхшиланди. Жумладан, ялпи маҳсулотнинг 20 процента Давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Харидорларнинг буюртмалари юксак сифат билан бажарилмоқда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпаймоқда.

Заводда техника тараққиёти планига мувофиқ янги асбоб-ускуналар ўрнатилянти. Суратда: янги иш услуби ва янги техника билан таъминланган завод цехларининг бири.





## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

КУТАИСИ. «КАЗ» автозаводи коллективи «Орамизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида ишламоқда. Шунинг учун ҳам завод муҳри билан чиқаётган автомашиналар кўпчилик диққат-эътиборини жалб қилаётир. Суратда: заводнинг «КАЗ—44302/9378» маркали янги машинаси синовда.

Б. КЛИПНИЦЕР, М. БЛОХИНА ВА С. ЭДИШЕРАШВИЛИ фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

# НАЗАРБЕКЛИК МЕРГАН

Алайдор ака қишлоқ бўйлаб одим ташлаб бормоқда. Унинг иши ўзи шунақа. Ҳар куни эрта билан ҳамқишлоқларига янги газета ва журналлар, хат-хабарлар тарқатади, одамларга қувонч улашади. Айниқса, солдатлик бурчини ўтаётган йигитлардан келган хатларни топшираркан, оналар қувончини кўриб, ўзи ҳам мамнун бўлади. Бенхтиёр, ҳаёлига ўзининг солдатлик йиллари тушади...

Кеч куз эди ўшанда. Алайдорни ҳарбий хизматга чақиришди. Орадан кўп ўтмай, немис-фашистлари Ватанимизга ҳоинона бостириб кирдилар.

— Ўша мудҳиш кеча ҳали-ҳали эсимда, — деб хотирлайди Алайдор ака. — Тиш-тирноғигача қуролланган немис газандалари шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қила бошлади. Мени 80-денгиз ўқчи бригадасига юборишган эди. Бизнинг бригадага тезда мудофаага тайёрланиш вазифаси топширилди. Солдатларимиз душманни бир қадам ҳам ичкарига киритмасликка, Ватаннинг ҳар қарич ерини кўз-қорачиғидай асрашга ҳаракат қилишарди.

Ҳарбий машқларда Алайдор сафдошлари орасида анча кўзга ташланиб қолган, айниқса ўқни нишонга уришда унинг олдига тушадигани йўқ эди. Шунинг учун ҳам йигитлар уни «Мерган» деб аташарди. Йигитдаги бу нодир фазилатни билган қўмондонлик уни полк қошида тузилган алоҳида снайперлар батальонига ўтказди.

Мерганлар учун на кун, на тун тиним бўлмайди. Улар доимо хушёр туришади. Алайдор дастлабки икки ой ичидаёқ 27 та фашистни ер тишлатди. Қўмондонлик ташаккурномасини олишга муваффақ бўлди.

Оғир жанг кунларидан бирида батальон комиссари капитан Савельев билан жасур мерган ефрейтор Алайдор Бойтуллаев Н тепалигида душман қўшинлари ўтаётган катта йўл четида душман кучларини ҳисоблашарди. Бу пайтда фашистлар шу йўналишда Москвага янгидан-янги кучлар ташлаш, қандай бўлмасин пойтахтни қўлга киритишга интилардилар. Ўша куни Алайдор 5 та душман солдатини ер тишлатди ва бир «тил»ни қўлга туширди. Қўмондонлик уни кўрсатган мардлиги учун III даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирлади.

Алайдорнинг мардлик ва жасорати тез орада кўпчиликка маълум бўлди. Ўша пайтда фронт газеталаридан бирида у ҳақда лавҳа босилган бўлиб, йигит бир ҳафтада 20 та фашистни ер тишлатгани учун «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлангани, командир унга медаль билан бирга партия билетини топширилганлиги ёзилганди.

1944 йилнинг 15 июнида Белоруссия учун бўлаётган шиддатли жангларнинг бирида мерган чап қўлидан оғир яраланди. Бир неча ой госпиталда даволанди. Моҳир мерганга жанг майдонига қайтиб тушиш насиб бўлмади.

Алайдор ака она қишлоғи Назарбекка қайтиб келиб, яраси азоб берса ҳам далага ишга чиқди. Бригадир бўлиб ишлади, ҳисобчилик қилди. Фронт орқасидан туриб тушманга зарба берди. Унинг қалби, виждони шунга даъват этарди.

Ғалаба куни барча совет халқи қатори Алайдор Бойтуллаевга ҳам олам-олам қувонч, бахт олиб келди. Мерган фашизм устидан қозонилган ғалабада оз бўлса ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланарди.

Алайдор ака бир неча йил Калинин районидаги «Назарбек» совхозида бригадирлик қилди. Мана 20 йилдирки, у райондаги «Назарбек» совхози алоқа бўлимида почтаси бўлиб ҳалол хизмат қилиб келмоқда. Жанговар нишонлари қаторида, меҳнатда қўлга киритган орден ва медаллар ҳам кўксида порлаб турибди.

Ҳар тонг унинг учун шундай бошланади, қишлоқ аҳлини янгиликлардан хабардор қилади. Одамларга қувонч бахш этади.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**Р. ҲАСАНОВ,**
**ТошДУ студентлари.**

# ЯНА ИҚЛИМ МУАММОСИ

**Ернинг геологик тарихи давомида об-ҳавода даврий ўзгаришлар пайдо бўлган. Тахминан 250 миллион йил (маълум оралиқ билан) қуррамизда тропик иқлим устунлик қилган, иссиқ ҳаво совуқ ҳаво билан алмашиб турган.**

**Кейинги юз йил давомида ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,7 даража кўтарилди. Ҳозирги вақтда қуррамиз юзасидаги ўртача ҳарорат 15 даража иссиқни ташкил қилади.**

**1976 йилда дунёнинг 24 нафар климатолог (иқлимшунос) олимига шундай савол берилди: яқин ўн йиллиқда иқлим исийдими, совийдими? Бунга турлича жавоб олинди. Лекин, кўпчилик олимлар яқин йигирма йил ичида иқлим жуда кам ўзгаради, деган фикрни айтишди.**

**Гап шундаки, ёқилаётган минерал ёқилғи миқдори йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Академик А. П. Виноградовнинг ҳисобига кўра, ёқилғи туфайли ҳар йили атмосферага 10 миллиард тоннагача карбонад ангидрид гази қўшиляпти.**

**Агар энергиянинг сарфланиш суръати ҳозиргидек қолса, 2030 йилга бориб қуррамиз миқёсида ҳарорат 1—3 даражага ошади. Хўш, икки юз йилдан кейин-чи? Бу ҳақда академик Н. Н. Семенов шундай ёзади: «Термоядро реакторларининг иссиқлиги ер сатҳи ва океанлар, шунингдек, атмосферанинг қуйи қатламлари ютадиган қуёш энергиясининг 10 процентига тенг келганда, Ердаги ўртача ҳарорат 7 даражага кўтарилади».**

**Бу деган сўз — 70—100 миллион йил муқаддам ҳали одамлар пайдо бўлмаган, қуррамизда фақат динозаврлар «ҳукмрон»лик қилган даврдаги иқлим вужудга келади, демакдир. Иқлим бунчалик исиб кетиши хавфли, албатта. Унинг натижасида Антарктика, Гренландия музлари эрийди, дунё океани сатҳи бир неча ўн метр кўтарилиб, қуруқликнинг катта қисми сув остида қолади. Иқлим ниҳоятда ноқулайлик келтади.**

**Лекин, бу хатарнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун, биринчидан, энергиянинг мумкин қадар тежаб сарфлаш лозим. Иккинчидан, келажакда иссиқлик энергияси тараққиётини чеклашга тўғри келади.**

**Е. БИБИКОВ,**
**техника фанлари кандидати.**


# Реклама ва эълонлар

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(Ёзги театрда)
1 ОКТЯБРГАЧА
АНДИЖОНЛИК АЛИЖОН ЭШОНОВЛАР ОИЛАСИ ИШТИРОКИДА

## КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

Программада: дор устида пичоқ ва патнус ўйинлари, дор тагида от ўйинлари, тош ва енгил автомашина кўтарувчи полвонларнинг чиқишлари, масхарабозлар ўйинлари, карнай-сурнай ва куйлар ижро этилади.

СССР 50 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТРОКАРЧИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСЛЕСАРЬ. Билим юртини тамомлагач, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати — 3 йил. Шу ихтисос бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди; ЭЛЕКТРЧИ. Ўқиш муддати—3 йил; ЭЛЕКТРГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—3 йил. 15 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади; САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК. Ўқиш муддати—3 йил. ОТК КОНТРОЛЕРИ. Ўқиш муддати—3 йил. Фақат қизлар қабул қилинади. Шу ихтисос бўйича ўқувчиларга ётоқхона берилмайди; УНИВЕРСАЛ-ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати—бир йил ва 3 йил; ШЛИФОВКАЧИ. Ўқиш муддати—1 йил. 15 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—1 йил бўлган группаларда ўқувчиларга стипендия тўланади; ПРЕССЛАШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; МЕХАНИКА-ЙИҒУВ-ИШЛАРИ СЛЕСАРИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН ТРАКТОРЧИ-СИНОВЧИ. Ўқишни тамомлагандан кейин автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; ТЕМИРЧИ. Ўқиш муддати—1 йил; 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; АГРЕГАТ ВА МАҲСУС СТАНОКЛАР СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати—3 йил; ГОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; ДУРАДГОР. Ўқиш муддати—1 йил. 15 ярим ёш ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИКИ ГАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР ТЎЛА ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА КАСБГА ЭГА БЎЛГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак, иш қийими билан таъминланади, зарур бўлганларга эса секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб топилган сумманинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, ҳовузи бор. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар ишлайди. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, гурар жойидан справка, ота-оналаридан бири ишлаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, 1-Ташавтомаш массиви (1, 1э, 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати, 22-трамвайнинг «13-поликлиника» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АБОНЕНТЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

Андижон ва Гулистонда телефон номерини териш тартиби ўзгарганидан сўнг шу йўналишларда номернинг нотўғри терилиши туфайли телефонлар автомат орқали тўғри уланмай қолиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Эътиборингизни шунга қаратамизки, кодни тергандан сўнг 7 рақамгача етишмовчи ноллар ўрнига «22» рақамини териш керак.

АНДИЖОН — 8-37422+беш рақамли телефон номери.

ГУЛИСТОН — 8-36722 + беш рақамли телефон номери.

Масалан, Андижондаги 5-66-82 номерига телефон қилмоқчи бўлсангиз,

— 8-37422566 82 рақамларини териш керак.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.


# Телевидение

МАРКАЗИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГдейка. 10.35 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.05 — Инспектор Гуд. Бадиий фильм, 2-серия. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Тонги почта. 13.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 13.30 — Спортлото. 13.45 — Москва Кремлининг архитектураси. 14.15 — Голиблар. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Здоровье. 16.30 — Камалак. 17.00 — Мўъжиза-мўъжиза. 18.00 — Мультфильмлар. 18.25 — Хатларингиз асосида. 19.10 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчи Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.55 — Кинопанорама. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак». 23.35 — Чет эл эстрадаси. 00.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Миниатюралар театри. 11.50 — Мультфильм. 12.05 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.35 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 13.05 — Ўзбекистон спорти. 13.35 — Прогресс. 14.00 — А. П. Чехов номли Самарқанд рус драма театрининг 60 йиллигига. А. П. Чехов. «Ваня тога». Спектакль. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Енгил атлетика. 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Совет циркининг 60 йиллигига. Тошкентбоевлар сулоласи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гул ҳаётим мактабим. 21.30 — Время. 22.05 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 3-серия.

ТОҲИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.05 — Душанба кўрсатувлари.

# ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Кармен**, 16/IX да **Этик нинган мушук** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IX да **Олтин девор**, 16/IX да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Шошма қуёш!** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IX да **Шаҳзода ва етим қиз**, 16/IX да **Тўйдан олдин томоша**, 17/IX да **Олифта**.

Тошкент район партия комитети ва район ижроия комитети «Ленин йўли» колхози правлениесининг раиси С. Муҳаммаджоновга укаси

Шариф МУҲАММАДЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

М. Тошмуҳамедов номидаги Тошкент грампластинка заводи коллективи болалар учун ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп тематик пластинкалар ишлаб чиқараяпти. Улар асосан рус ва чет эл адабиёти классикларининг болалар учун ёзган асарлари, қувноқ музика ва қўшиқлар, халқ эртакларидан иборатдир. Суратда: техника контроли бўлимининг ходими М. Назарова (олдинги планда) маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Н. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

# Спорт

## ОМАД ЁР БЎЛСИН

Кеча эркаклар ўртасида қўл тўпи бўйича олий лига командалари мамлакат XIX чемпионати бошланди. Бу мусобақалар Белоруссиянинг Минск ва Литванинг Алитус шаҳарларида ўтказилади. Тошкентлик гандболчилар бу мавсумдан эътиборан, мамлакат кучли командалари билан бирга юксак мукофот учун кураш олиб борадилар. Улар биринчи лига командалари ўртасида ғолиб келиб, ана шу ҳуқуқни қўлга киритганларини аввал ҳам хабар қилган эдик.

Тошкентлик спортчиларнинг бу мавсумдаги мақсадлари аниқ. Гандболчиларимиз олий лига командалари орасида мустаҳкам ўрнашиб олиш учун ҳаракат қиладилар. Минск шаҳрида ўтказиладиган учрашувларда гандболчиларимизга СССР чемпиони ЦСКА командаси, Киев, Львов, Минск шаҳарларининг армия спорт клублари ва Краснодарнинг ФИСК коллективи рақиб бўладилар.

Қўл тўпи мусобақаларининг биринчи давра ўйинлари Тбилиси шаҳрида якунланади. Кучлилар даврасида қатнашаётган ҳамшаҳарларимизга омад ёр бўлсин.

## ОДЕССАДА ҒАЛАБА

Ешлар ўртасида футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш ўйинлари Одесса шаҳрида бўлиб ўтди. Бунда Совет Иттифоқи ва Греция терма командалари учрашдилар. Ўйинни уюшқоқлик билан ўтказган мамлакатимиз ёш «чарм тўп» усталари 2:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Бу ғалаба спортчиларимизга қитъа чемпиони деган юксак ном учун мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқини берди.

Шуни таъкидлаш керакки, СССР терма командаси составида пахтакорчи В. Глушаков ҳам иштирок этди. Яна бир ўйинчимиз К. Новиков ҳам ёшлар терма командаси сафига қабул қилинган.

## ЭШКАКЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахт қайиқчилари чет эл мамлакатларида ўтказилаётган мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Жумладан, Финляндияда ўтказилган мусобақада чирчиқлик байдаркачи Нелля Фомина бир йўла икки мукофотни қўлга киритди. У турли масофаларга ўтказилган пойгада маррага иккинчи ва учинчи бўлиб етиб келиб, мусобақанинг кумуш ва бронза медали билан тақдирланди.

Болгарияда ўтказилаётган халқаро мусобақаларда эса тошкентлик Юрий Серебряков ёшлар ўртасида байдарка ва каноэ ҳайдаш бўйича олтин ва кумуш медални қўлга киритди. У 1 километрли масофага ўтказилган пойгада биринчи бўлди, 500 метрли масофага ўтказилган мусобақада эса иккинчи ўринни эгаллади.

## ПЕШҚАДАМЛАР УЧРАШГАНДА

Футбол бўйича республика чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Биринчи группа пешқадамлари «Оқ олтин» ва «Соҳибкор» командалари ўртасидаги учрашув бу турнинг марказий ўйини бўлди. Сирдарёлик футболчилар бу ўйинда биринчи даврадаги мағлубият аламини олишди. Учрашув 2:0 ҳисобида тугади. Шундай қилиб 27 ўйиндан 48 очко тўплаган «Оқ олтин» футболчилари биринчи группа командалари ўртасида пешқадамлик қилишяпти. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Соҳибкор» ҳисобида эса 46 очко бор. Иккинчи группада эса 45 очко тўплаган «Старт» биринчи, 44 очко тўплаган «Турбина» командаси эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.


БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 03140. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2569.